

– Марти, мен Амандани ўлдиришга карор килдим.

Телефон станцияси техники Жефф Бауэрс кутилмаган гапдан сесканиб кетди. Уни тармоқдаги носозликларни бартараф килиш учун жүннатишган, таксимловчи мослама ёнида күймаланаётганди. Жефф хозиргина ўз гүшагидан диспетчерга узилган жойни топганини ва тезда уни түгрилашини хабар килганди. Мана энди, хеч кутилмаганда бирорнинг тармогига уланиб колган кўринади.

Мартига Амандани ўлдирмокчилигини айтган эркакнинг овозини Бауэрс аник, худди оркасида тургандек эшилди. У Марти хам, сухбатдоши хам уларни кимдир эшитаётганидан бехабар эканликларини биларди. Бирорларнинг сухбатини яширинча эшитиш катъиян такикланганинини хам биларди. Котиллик таҳди迪 шунчаки бемаъни хазил деган хулосага келган Жефф Бауэрс тармоқдан узилмокчи эди, лекин...

– Марти, – деди ўша эркак овози, – мени эшиятсанми? Мен Амандани ўлдиришга карор килдим, дедим.

«Хазиллашаётганга ўхшамайди», – деб ўйлади Жефф. Нотаниш одам чиндан хам Амандани ўлдирмокчилигини англағанда, нафаси ичига тушиб кетди.

– Сенингча, хали жуда эрта эмасмикин? – худди об-хаво ёки футбол ўйини хакида гап кетаётгандек, мутлако хотиржам гапирди Марти. – Барбаранинг ўлимидан сўнг атиги икки ой ўтди. Озрок кутса хам бўлади.

– Эрталигини биламан, лекин кутолмайман. Ташвишланма, бу гал котиллик бенуксон бўлади. Хаммасини шундай киламанки, хеч ким камчилик тополмайди.

– Агар хотирам панд бермаётган бўлса, Пит, – кинояли кулди Марти, – ўтган гал хам худди шундай дегандинг.

– Марти, мана кўрасан, бу гал хаммаси сип-силлик ўтади, – деди конхўр Пит ишонч билан. – Аманданинг деярли хамма нарсага кучли аллергияси бор. Печенье ёки пирогнинг хамирига, дейлик, бир кошик ер ёнгок ёги аралаштиrsa бас, тамом бўлади.

– Исковучлар сендан шубхаланиб колишидан кўркмайсанми? – ишонкирамади Марти.

– Бу иш – хатосиз, – тинчлантириди сухбатдоши Мартини, – гапимга ишонавер. Хеч ким хеч нарсадан шубхаланмайди, огайни. Энг зўр томони, Аманданинг ўзи печенье ва пирог пиширишни яхши кўради.

– Ўзи пиширади дегин? – ўйчан кайта сўради Марти ва киска танаффусдан сўнг хитоб килди: – Бир дақика тўхта-чи! Агар хотирам панд бермаётган бўлса, Барбранг хам печенье ва пирог пиширади.

– Пиширади. Нима бўпти?

– Нима бўпти эмиш! – ажабланди Марти. – Нахотки иккита аёлни битта йўл билан ўлдирмокчи бўлсанг?

– Битта йўл деган гапни каердан олдинг? – ранжиди Питер. – А, тушундим... Сен Барбари кандай ўлдирганимни унутибсан. Эслатиб кўяйми? Мен уни никотин ёрдамида ўлдирдим! Ўшанда бир кути сигаретнинг никотинини олиб, биттасига тикканман. Атай уч кунгача чекишга бермай, ташлайдиган пайт бўлди, дедим. Кейин раҳмим келгандай бир кутини бердим. Мен унинг сигаретани кандай танлашини билардим, шунинг учун ўлдирадиган микдордаги никотинли сигаретани тепа каторнинг ўртасига согландим. У мен умид килгандек, кеча мен ишлов берганимга ёпишди. Тўгри, Барбара сигаретанинг кучлилигини дархол сезди, лекин уч кун ичидан тамакидан бирор чикиб колганман, деб ўйлади. Биласанми, уни ярмигача хам чеколмади. Бечоранинг юраги хуруж килиб, шундок кўз олдимда бирпасда жон бериб кўя колди. Тез ёрдам етиб ёлганда, юракчаси урмаётганди.

– Бу гал сугурта пули канча? – бироз жимликдан сўнг кизиксинди Марти.

– А, сен сугуртани эсладинг-а! – мамнун кулиб юборди котил. – Бу ерда яна бир ажойиб нарса бор. Аманда билан менга хеч кандай сугуртанинг кераги йўк. Кўшни... эсингдами, сенга у ҳакда бир гапиргандим... бизнинг касалхонамизда хамшира бўлиб ишлайди. Биласанми, ундан нимани билиб олдим? Маълум бўлишича, байрам кунлари, айникса, кечаси касалхонада факат навбатчи врачлар ишларкан, касаллар эса иш кунларига караганда кўпроқ бўларкан. Кабул бўлимида навбат узайиб кетади. Баъзан кўрикни уч-тўрт соатлаб кутишга тўгри келади. Мен таквимни кўрдим. Энг якин байрам – Мехнат кунигача хали яна деярли уч ой бор. Азиз Амандага Мехнат куни ер ёнгок ёгини аралаштириб кўяман, мазаси кочганда, касалхонага олиб бораман. У ерда, албатта, ёрдам беришгунча ўлади. Мен уларни унинг ўлимида айблайман ва яна касалхонадан ўз вазифаларини бажаришда масъулиятсизликда ва беморларга эътиборсиз карашда айблаб, суд оркали мўмайгина пул ундириб оламан.

Бу гал танаффус анча узок чўзилди. Афтидан, Марти эшитган гапларини мулохаза килаётганди.

Жефф Бауэрс нафасини ичига ютиб, сухбатнинг давомини кутарди. Хозир тармоқдан узилиш хаёлига хам келмасди. У сухбатни охиригича эшитиши керак эди.

– Билмадим, – Мартининг овозида ишончсизлик оханглари эшитилди. – Менимча, унчалик ишончли эмас. Хозирча каердалигини билмайман, лекин каериладир заиф жойи бўлиши керак.

– Хаммаси жойида бўлади, Марти. Мана кўрасан, уddeлайман. Мен яхши бўлишига юз фоиз аминман. Барbara ўлдирилганда хам худди шундай дегандинг, эсингдами, вахоланки, хаммаси жуда яхши бўлди. Хеч ким мендан шубхаланмади хам. Хамма юраги кўтаролмаган деб ўйлади... Маргаретни хам эсингдан чикарма.

– Тўгри, Мэггини бутунлай унутибман! – истамайгина маъкуллади Марти. – Лекин билиб кўй, Пит, бошга ўк узиш – энг осони.

– Менга ишон, кария, хаммаси жойида бўлади, – сухбатдошини ишонтирди маккор Пит.

– Мен сенга хукукшуноснинг фикрини билиш учун кўнгирок килдим. Нима деб ўйлайсан, хукукий томондан муаммо бўлмайдими?

– Менимча, бўлмайди, – деди Марти бироз ўйлагандан сўнг. – Сен Мехнат куни хакида гапирдинг.

Демак, тайёрланишга улгууркансан-да?

– Албатта, улгураман. Аллергия ва аллергенлар хакида хамма нарсани билиб оламан, касалхонага бориб, кабул бўлимида нималар бўлаётганини кўраман. Мени биласан-ку, Марти, мен хеч качон тасодифга ишонмайман. Хаммаси олий даражада тайёрланиши керак.

Орка фонда кимларнингдир бўгик овозлари эшитиларди. Жефф сухбатдошлардан бири идорадан гаплашаётганини тушунди. Питга маслаҳат керак бўлиб колганидан Марти ишхонада бўлса керак, деб ўйлади.

Унинг тахминини навбатдаги танаффус тасдиклади. Марти кафти билан гўшакни тўсиб, кимдандир нимадир сўради. Бауэрс савонни хам, жавобни хам эшитолмади. Хамкасларидан врачларни масъулиятсизликда айблаб, касалхонани судга берса бўладими деб маслаҳат олаётган бўлса керак, деб ўйлади Жефф. У ҳак бўлиб чиқди.

– Хаммаси жойида, – деди Марти бир дакикадан сўнг гўшакка. – Муаммо бўлмаслиги керак... Кечирасан, Пит, лекин мен кетишим керак. Иш, ўзинг тушунасан. Шахарга обрўли аёл мижоз келган, уни куттириб кўёлмайман.

– Аёл мижоз дейсанми? – дарров кизиксинди Питер.

– Дамингни ол, хотинбоз, у сенинг дидингдаги эмас. Тирикчилигига ўзи пул топади... Питер, биласанми, сен кандайдир хайвонга айландинг.

– Мен хайвонманми, Марти? – мамнун кулиб юборди Пит. – Аманда хайвон, мен эмас. Шунинг учун мангу уйкуга кетадиган пайти келди деган карорга келдим.

Пит ва Марти яна бир дакика бир-бирларининг устиларидан кулишди-да, хайрлашиб, гўшакларни кўйишиди.

Жефф Бауэрс кулокларига ишонмай довдираганча гўшакка караб турарди. У, албатта, нимадир килиши керак. У кимгadir кўнгирок килиб, Питернинг режаси тўгрисида айтиб бериш кераклигини биларди. Лекин бирорларнинг сухбатини яширинча эшитиш такикланганини хам биларди. Агар унинг конунни бузгани маълум бўлса, у камида ишдан хайдалади. Кўп деганда эса, каттагина жарима тўлаб, камокка тушади. Бошка томондан, агар хеч нима бўлмагандек кетса, Аманда ўлади. Унинг катъиятсизлиги бир одамнинг хаётига зомин бўлиши мумкин. Марти сухбатдошини хотинбоз деб атади.

Демак, Аманда унинг хотини бўлади.

Бўлди, кўнгирок килиш керак. Кимга? Албатта полицияга. Лекин уларга нима дейди? Икки эркакнинг сухбатини тасодифан эшитиб колгани, улардан бири уч ойдан сўнг хотинини ўлдирмокчилигини айтадими? Улар ўша Питни кандай топишади? Нью-Йоркда Марти исмли дўсти ва Аманда деган хотини бор Питлар юзлаб топилса керак. Демак, полицияга котилнинг хеч бўлмаса фамилияси ва манзилини билиб бериш керак.

Жефф Бауэрс Питнинг ортик хойнахой обрўли мижози билан шугулланаётган Марти билан гаплашмаётганига ишонч хосил килгач, телефон станцияга кўнгирок килди ва компьютер оркали Питнинг ракамини билиб олди. Кейин диспетчернинг ракамини териб, ракам бўйича телефон эгасини билиб беришни сўради.

Бир дакикадан сўнг Бауэрс Амандани Карагайзор кўчасида жойлашган 223-уда яшайдиган кандайдир Питер Меррик ўлдирмокчилигини билди. Меррик фамилияси унга танишдай туйилди. У хакида якинда газетадан ўқиганига ишончи комил эди. Хотинининг эрта вафот этгани хакида ёзилган бўлса керак, лекин кайси хотини – Барбарами ёки Мэгги – бунисини эслолмасди.

Жефф каршисидаги уйга паришон каради ва кутилмаганда ток ургандек сесканиб кетди. У чакирув айнан Карагайзор кўчасидан бўлганини буткул унутиби. Колаверса, у деярли... 223 деб ёзилган оддий икки каватли уйнинг каршисида ишлаётганди. Питер Меррик ва Аманда шу уйда яшарди.

Иккинчи кават деразаси ёнида бир эркак Жефф Бауэрсга тикилганча телефонда гаплашарди. Бу ўша Питер Меррик эканини тушунган Жефф дарров тармокка уланди. У хак экан, Питер яна Марти билан гаплашашётганди.

– Тўгри, – маъкуллади Меррик сухбатдошининг кандайдир эътирозини, – лекин менинг курсонларим орасида хали бирорта телефон компаниясининг техники бўлмаган. Мен тўгри гапиряпман-ку ахир, Марти, бўлмаган-а?

– Жин урсин, Пит! – чидолмади Марти. – Телефончини ўлдиргансисан ёки йўкми, мен каердан билай? Сен шунча одамни ўлдиргансанки, хатто...

– Майли, майли. Шунчаки мен тасодифан бу йигитни деразадан кўриб колдим ва уни ўлдириш хаёлимга келди. Менимча, ёмон фикр эмас, нима деб ўйлайсан? Энг асосийси – кандайдир сабабнинг умуман йўклиги. Ўзинг хам мендек яхши биласан, сабабсиз котилликни аниклашнинг деярли имкони йўк... Тасаввур киляпсанми, мен кўчада хеч ким бўлмайдиган кулагай пайтни пойлаб, унинг ёнига бораман ва – тарс! У тамом. Гувохлар йўк, сабаб ва далиллар хам... Хўш, нима дейсан?

– Сен касалсан дейман, Пит. Биласанми, баъзида менга худди сен хакикий манъякка айлангандек туюлади. Ўлдириш сенга жуда ёкади-да... Кечирасан, менинг ишларим бор! Хар калай, ишдаман!

Марти кулаётган Меррикнинг бир сўз дейишига кўймай гўшакни кўйиб кўйди.

Жефф Бауэрснинг танасини муздек тер коплади. Унинг хаётига ўлим хавф солаётганди. У ён-верига аланглаб, кўча кимсасизлигини кўрди. «Бу жиннига шу кифоя», – ўйлади у вахимада. Хозир уйдан чикади ва чиндан хам уни отиб ўлдиради, бир пайтлар Барбарани ўлдиргандек.

Унинг миясида узук-юлук фикрлар чарх урарди. Тезрок бу ердан кочиш керак, лекин аввал носозликни бартараф килиш керак.

Жефф ошикиб узилган симларнинг учларини улади-да, изоляцион лента билан ўраб ташлади. У кейинрок келишга ва хаммасини яхшилаб тўгрилашга карор килди, хозир эса кочиш керак.

Бауэрс шошиб асбобларини катта сумкага тика бошлади. У кандайдир олтинчи сезги билан кимдир ёнига келаётганини сезганда, деярли йигиштирилиб бўлганди. Жефф бошини кўтарди ва ёркин куёш нуридан кўзларини косиб, ўзидан атиги икки метр нарида турган эркак шарпасини кўрди. Питер Меррикнинг, Бауэрс эса бу ўшалигига бир сония хам шубха килмади, ўнг, кўтарилиган кўлида кандайдир кора нарсани ушлаб туради. Чап кўли пастда эди. Гарчи Жефф ўкотар куролларни умуман тушунмаса хам, бу тўппонча эканига амин эди.

Жефф Бауэрснинг бутун танаси ўқ узилишини кутиб таранглashedi. Меррик унга “Хайр!” деб, хойнахой, юрагини мўлжалга олиб бўлса керак, кўлини тушира бошлади. Техник беихтиёр харакат килди. У оғир сумкани котилга отди, шундай боплаб отдики, тўгри юзига тегди. Кутилмаган харакат ва зарбадан Питер Меррик ўқ егандек кулади.

Жефф Бауэрс сумкани ердан юлкиб олиб, боши узра баланд кўтарди-да, бор кучи билан Меррикка отди. Бўгик зарба кетидан суюкларнинг шикирлагани эшитилди. Котил бир-икки марта силтанди-да, жимиб колди...

– У ўлган, – деди суд тибиёт эксперти детектив Вагнерга Питер Меррикни яхшилаб текширгач.

Хамма ёқда полициячилар у ёқдан-бу ёкка зир югуришарди. Конун химоячилари ва бекорчи томошаталаблардан ташкари, Жефф Бауэрснинг ёнида бошлиги турад ва вахимада атрофига алангларди.

Жефф Вагнерга бўлган вокеаларнинг хаммасини айтиб бергач, у ажабланиб бош чайкади.

– Лекин сизнинг хеч кандай далилингиз йўқ, – хўрсинди детектив. – Ўзингиз ўйланг, бундай ишониб бўлмайдиган вокеага мен кандай ишонаман?

– Хаммаси тўгри, – кутилмаганда Жеффни кўллаб-кувватлади бекорчилар тўдаси орасидан чиккан ёш аёл. – Мен мистер Меррик билан кўшни эдим ва шундай бўлганини биламан.

Хамма кизга ўгирилди. Жефф Бауэрс Меррикнинг кўлида тўппонча эмас, уяли телефон бўлганини, шу телефонда гаплашаётган сухбатдоши билан хайрлашганини билгандан бери биринчи бор енгил торти.

Меррикнинг кўшниси унга каттик каради-да, сўради:

– У сизга Карлайллар хакида хам гапириб бермадими? Ўшанда бутун бир оилани ўлдирганди...

– Кўрдингизми? – хурсанд бўлиб кетди Бауэрс. – Сизга айтгандим-ку котил-манъяк деб.

– Сиз мистер Меррик чиндан хам бу одамларнинг хаммасини ўлдирган деяпсизми? – аниклаштирмокчи бўлди детектив.

– Уларни хар бир китобида ўлдирарди, – бош иргади аёл. – Нахотки Питер Меррик детектив романлар ёзганини билмасангиз? Икки ой олдин унинг “Барбаранинг ўлими” киссаси бестселлерлар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаганди. Ўшанда уни хамма газеталар мактаган... **СЕВДОРА таржимаси**